

ВОИС РАҲИМИЙ

Воис Раҳимий 1904 йил Хива шаҳрида, сарой хизматкори мироҳўр оиласида таваллуд топган. У дастлаб эски мактаб, сўнг “нўғой мактаби” деб ном олган татар жаҳид мактабида таҳсил олади. Унинг ўзи ҳам бир муддат

жаҳид мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Воис Раҳимий жаҳидлар таъсирида улғайди ва хонликдаги ислоҳотлар учун курашда фаол



иштирок этади.

Хоразм ёшлар иттифоқи аъзолари, тик турганлар орасида чапдан бешинчи Воис Раҳимий

Воис Раҳимий 1917 йил жаҳид тараққийпарварлари таъсири остида татар муаллимлар институтида ўқиш учун Оренбургга йўл олади. 1918 йил ёзги таътилга Хоразмга келади. Бироқ, иқтисодий қийинчиликлар туфайли ўқишини давом эттира олмайди. 1918-20 йилларда совунгарлик корхонасида устанинг ёрдамчиси бўлиб ишлайди. 1920 йил Бокуда Шарқ халқлари съездида қатнашди.

“Ёш хиваликлар” ташкилоти аъзоси бўлган Воис Раҳимий Хивада хонлик тузуми ағдарилгач, 1920 июн ойида яна Оренбургга боради ва ўқишини давом эттиради. Бироқ, бу гал фуқаролар урушининг авж олиб кетиши унга таҳсилни давом эттиришига халақит беради. 1921 йил август ойида Тошкентга келиб, Туркбюронинг тавсияси билан ХХР комсомол ташкилотига ишга йўлланади. Воис Раҳимий 1922-24 йилларда Тошкентдаги муаллимлар институтида сиртдан ўқиб, аynи пайтда 1924 йилгача Хоразм комсомолида ташкилий бўлим мудирини лавозимида ишлайди.

1925 йил Воис Раҳимий миллий чегараланиш сиёсати ўтказилиши муносабати билан яна пойтахтга чақириб олинади ва дастлаб, ЎзССР МИКда масъул котиб, 1926 йил июлдан 1929 йил февралгача Самарқанд округ

партия кўмитаси котиби лавозимларида иш олиб боради. 1930 йил Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентга кўчирилиши билан “Қизил Ўзбекистон” газетасига бош муҳаррир этиб тайинланади. Воис Раҳимий 1931 йилнинг охиридан 1933 йилгача Москвада Марксизм-ленинизм институти курсида ўқийди. 1934 йил Ўзбекистонга қайтгач, дастлаб Марғилон МТСда сиёсий бўлим бошлиғи, 1934-35 йилларда Фарғона давлат педагогика институтида директор лавозимларида ишлади. 1935 йил 31 январда компартияда ўтказилган навбатдаги “тозалаш”да Воис Раҳимий ўз ижтимоий келиб чиқишини яширишда айбланиб партиядан ҳайдалади. У ноҳақ бўхтонлар оқибатида обрўсизлантирилди ва маълум муддат ишсиз қолдирилади. Шундан сўнг ЎзССР компартияси марказий кўмитаси қошидаги “Марксизм-ленинизм тарғибот-ташвиқоти бўлими” мудирини Мўмин Усмонов томонидан Воис Раҳимий Тошкентга чақириб олинади ва ЎзССР КП(б) МҚ Бош таҳририятига муҳаррир этиб тайинланади. Воис Раҳимийга марксизм классиклари асарларини таржима қилиш вазифаси юкланади. Бироқ, бу орада советлар мамлакати маркази томонидан анчадан буён тайёрланаётган “Катта қирғин”нинг совуқ шабадаси етиб келди

1937 йил 4 август куни ЎзССР ИИХК Загвоздин Воис Раҳимийни қамоққа олиш тўғрисидаги Акжигитов томонидан тайёрланган қарорга имзо чекди. Унда ижтимоий-иқтисодий адабиётлар бўйича таржимон В.Раҳимийни “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, 1927-1930 йилларда ҳукумат таркибида ишлаган вақтида аксилинқилобий унсурлар билан алоқада бўлган ҳамда ижтимоий бегона қатламларни ишга олган деб, ЎзССР ЖКнинг 60, 67- моддалари билан айбдор топилади.

1937 йил 6 август куни В.Раҳимийни қамоққа олиш учун ордер олинди ва шу куннинг ўзидаёқ у яшаган “Ўзбекистон” меҳмонхонасида тинтув ўтказилди. Тинтув домида В.Раҳимийнинг паспорти, хужжатлари ва 80 сўм пули ҳаммаси хатланиб олиб кетилди. Эндигина тўрт ёшдан ошган ўғли билан 24 ёшли турмуш ўртоғи Моҳира Тошбоевалар “халқ душмани”нинг оиласи сифатида меҳмонхонадан бир кунда кўчага ҳайдалди.

1937 йил 15 август куни Воис Раҳимий НКВД нинг қаттол ходими Акжигитов исканжасида ўзига нисбатан тухматлар битилган қоғозларни имзолашга мажбур этилди. Бироқ, 1937 йил 25 август куни НКВДнинг 3- бўлими ходими Лисицин В.Раҳимийга унинг ЎзССР ЖКнинг 60,67 - моддалари билан айбдор деб топилганлигини кўрсатади. Воис Раҳимий қарорни кўриб, унга “Менга қўйилган айбларни тан олмайман” деб ёзиб имзо қўяди.

1937 йил 25 сентябрь куни Воис Раҳимийни яна сўроққа чақирадилар. Ноинсоний қийноқлар исканжасида Воис Раҳимий ўзининг 1928 йил июнда Самарқанд округ партия қўмитаси котиби вақтида Абдулхай Тожиев ва Маннон Рамзлар томонидан “Миллий истиқлол” аксилинқилобий ташкилотига тортилганини “тан олади”. Шунингдек, ташкилот аъзоларидан 20 кишининг номини келтириб, ўзи амалга оширган “жиноят”ларини санаб ўтади. Шундан сўнг совет тергов амалиёти анъанасига биноан “иш”га 1937 йил 8 сентябрда А.Тожиев имзолаган, 1937 йил 12-15 сентябрь кунлари С.Кучабо имзолаган, 1937 йил 23 сентябрь куни Ғ.Якубов имзолаган, 1937 йил 8 октябрь куни Қ.Сорокин имзолаган, 1937 йил 10-12 октябрь кунлари А.Икромов имзолаган, 1937 йил 10 октябрь куни Саъдулла Турсунхўжаев имзолаган, 1937 йил 20 октябрь куни Олим қори Шокиров имзолаган сўроқ баённомаларидан кўчирмалар тикилади.

1937 йил 20 декабрь куни Акжигитов тайёрлаган қарор Лисицин томонидан тасдиқланди. Унда ҳеч бир асосларсиз В.Раҳимийга ЎзССР ЖКнинг 57-1, 63, 67 - моддалари қўлланади.

1937 йил 27 декабрда ўтказилган сўроқ давомида В.Раҳимий ўзига қўйилган барча айбловларни инкор этиб, “мен ҳеч қачон аксилинқилобчи бўлмаганман” деб имзо қўяди.

1938 йил 3 октябрь куни Воис Раҳимий билан Назир Шоликоров, Қосим Сорокин ва Али Мусаевлар юзлаштирилди. Улар ўзларига қўйилган барча айбловларни рад этадилар. Бироқ, бу ҳолат ҳеч қандай аҳамият касб этмади.

Воис Раҳимийнинг аллақачон тўқиб-бичилган “Айблов баённомаси” 1937 йил 26 декабрда ЎзССР НКВД раиси Апресяннинг номи ёзилгани ҳолатда ўрнига Леонов томонидан, кейинчалик 1937 йил санаси ўчирилиб, ўрнига 1938 йил 3 октябрь санаси билан СССР генерал прокурори Вишенский номини ўчирилиб, унинг ўринбосари томонидан имзоланди. Шунингдек, ЎзССР ЖКнинг 57-1 моддаси ҳам қалам билан бекор қилиниб, ўрнига 58-модда киритилди. 64, 63, 67 моддалар эса ўз ўрнида қолдирилди. 1938 йил 3 октябрь куни Воис Раҳимийнинг иши машъум “учлик” суди ихтиёрига топширилди. 1938 йил 4 октябрь куни соат 19 05 дан 19 25 гача бўлиб ўтган суд яна бир ўзбек фарзандининг ҳаётига нуқта қўйди. Ноҳолис ҳукм шу куннинг ўзидаёқ ижро этилди.

1956 йил кўпчилик қаторида Воис Раҳимийнинг иши ҳам қайта кўриб чиқишга топширилди. 1956 йил 24 декабрь куни қайта сўроқда Тожихон Шодиева (1905) ўзининг 1927 йил Воис Раҳимийга турмушга чиқгани ва 1935 йилгача у билан бирга кечган ҳаёти давомида Воисни билимдон ва ажойиб инсон, иқтидорли ва одил раҳбар сифатида билганлигини айтади.

Воис Раҳимий 1957 йил 1 августда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди. Бироқ, бу хушхабарни айтишга келганда унинг бирор яқини топилмади. Унинг ягона фарзанди ва турмуш ўртоғи Моҳира Тошбоева (1913) ни топиш борасидаги қидирув ҳам 1957 йил 21 ноябрь куни натижасиз тўхтатилди.

Хуллас, В.Раҳимий унинг фаолияти ва публицистик мероси ҳақида бизга ҳамон кўп нарсалар маълум эмас. Албатта, бу махсус тадқиқотни талаб қилади. Бироқ, шу нарса маълумки, қуёшли Хоразм ўлкасида улғайиб, ўз халқи, ўз ватани равнақи учун курашган бир ўзбек фарзандини шўролар мамлакати бўҳтонлар асосида бўлса ҳам йўқ қилишга қарор қилди ва унинг уддасидан чиқди. Шубҳасиз, унинг советлар мамлакатининг олдида ягона айби бўлган бўлса, бу ҳам унинг ўз халқини севиши ва унинг истиқлолини орзу қилиши эди.

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби(87-91 бет).